

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 13 июнь, № 120 (8463) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 2 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 1 июнда маъқулланган

Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг иқтисодиётини эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда, инвестициявий жозибадорликни ошириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ёшлар бандлигини таъминлаш орқали Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига Қорақалпоғистон Республикасининг тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғи 2028 йил 1 январга қадар 50 фоизга камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланмоқда, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ эса шаҳарлар ҳудудида фаолиятни амалга ошираётган шахслар учун 12 бараварга, туманлар ҳудудида фаолиятни амалга ошираётган шахслар учун 6 бараварга камайтирилмоқда ҳамда йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланмоқда.

Бундан ташқари «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари (ўқитувчилари) 2027 йил 1 октябрга қадар консуллик йиғимини ҳамда доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун ундириладиган давлат божини тўлашдан озод қилинишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Қорақалпоғистон Республикасининг инвестициялар жалб этувчанлигини оширишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, янги иш ўринларини яратишга, нодавлат таълим ташкилотларидаги таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўттиз тўққизинчи** ва **қирқинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ҳамда мазкур ҳудудда фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар мустасно) 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда:

фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича, якка тартибдаги тадбиркорлар эса йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлайди.

Агар солиқ тўловчи ушбу модданинг ўттиз тўққизинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзлари билан бир қаторда бир вақтнинг ўзида бошқа асослар бўйича солиқ имтиёзларига доир ҳуқуққа эга бўлса, бундай солиқ тўловчи ўз ихтиёрига кўра энг қулай солиқ имтиёзини танлашга ҳақли».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модда** қуйидаги мазмундаги **$9^2$-банд** билан тўлдирилсин:

«$9^2$) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари (ўқитувчилари) 2022 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар бўлган даврда»;

2) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув жараёнига жалб этиладиган чет эл мутахассислари (ўқитувчилари) 2022 йил 1 октябрдан 2027 йил 1 октябрга қадар бўлган даврда».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг қоидалари 2023 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонун 2-моддасининг қоидалари 2022 йил 1 октябрдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 12 июнь
№ ЎРҚ—845

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Абай вилояти ҳудудида рўй берган ўрмон ёнғини оқибатида инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Президент Қосим-Жомарт Тоқаев ва қардош Қозоғистон халқига чуқур ҳамдардлик ва далда сўзларини изҳор этди. Табиий офатга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Савдо, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ДЕЛЕГАЦИЯМИЗ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган Халқаро меҳнат ташкилоти Халқаро меҳнат конференциясининг 111-сессиясида иштирок этмоқда.*

### Анжуман

Мазкур нуфузли анжуман доирасида ХМТга аъзо 187 мамлакат ишчилари, иш берувчилари ва ҳукуматлари делегациялари томонидан кенг кўламли масалалар, шу жумладан, барқарор ва инклюзив иқтисодиётга адолатли ўтиш, сифатли шогирдлик дастурлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳар йили июнь ойида ХМТга аъзо барча давлат вакиллари Женевада бўлиб ўтадиган Халқаро меҳнат конференциясига йиғилади.

Халқаро меҳнат конференцияси ҳукуматлар, ишчилар ва иш берувчилар вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ХМТ конвенциялари ва тавсияларини қабул қилади. Конвенциялар ХМТга аъзо давлатлар томонидан ратификация қилиниши мумкин бўлган юридик жиҳатдан мажбурий халқаро шартномалар ҳисобланади.

**«Халқ сўзи».**

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Куни кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ёрдамчиси, Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ бўйича минтақавий директори Ивана Живкович билан онлайн шаклда мулоқот ўтказди.*



Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг БМТ ҳамда унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, жумладан, БМТ ТД билан ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари батафсил муҳокама қилинди. Хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, камбағалликни қисқартириш, демократик давлат бошқарувини мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда бозор иқтисодиёти ва инклюзив сиёсатни такомиллаштириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, гендер масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликнинг турли жиҳатлари, масалан, хотин-қизлар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, Сенатнинг янги конституциявий ваколатларидан келиб чиқиб, БМТ ТД билан маҳаллий Кенгашларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш сингари масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Биз БМТ Тараққиёт дастурини асосий халқаро ҳамкор деб биламиз, — дея таъкидлади Танзила Норбоева. — БМТ ТДнинг Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал ташаббусларини халқаро майдонда амалга оширишдаги иштирокини юқори баҳолаймиз. БМТ ТДнинг жамиятда аёлларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда гендер тенгликка эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз. Айни чоғда олдимизда қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш, самарали методологияни яратиш, гендер тенглик бўйича янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар турибди. Биз бу ҳамкорликни изчил ривожлантириш учун биргаликда ишлашга тайёрмиз. БМТ ТД Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга оид лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқаришда ҳам фаол иштирок этмоқда. 2020 йилда ЮНИСЕФ, ХМТ ва БМТ ТД томонидан Ўзбекистон ҳукумати билан мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш мақсадида йўлга қўйилган қўшма дастур ана шундай муҳим лойиҳалардан бири бўлди.

➡ 2

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат ва жамият тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ — САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловолди ташвиқоти энг муҳим босқичлардан бири саналади. Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партияларнинг фаоллари, номзодлар, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчиларнинг энг кўп ишончига, қўллаб-қувватлашига эришиш учун турли ташвиқот-тарғибот тадбирларини амалга оширади. Бундай ташвиқот тадбирлари сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ривожланишига, ўз навбатида, сайловчиларнинг, қолаверса, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалишига, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатади.*

Шу боис ҳам бу муҳим жараённинг мукаммал ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг “Сайловолди ташвиқоти” деб номланган тўққизинчи бобида мустаҳкамланган. Хусусан, Сайлов кодексининг 44-моддасида сайловолди ташвиқотининг тушунчаси, тартиби ва муддатлари белгиланган бўлиб, унга кўра сайловолди ташвиқоти, бу — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича Календарь режага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олишнинг охирги муддати 2023 йил 6 июнь этиб белгиланган. Шу боис номзодларнинг сайловолди ташвиқот тадбирлари 7 июндан бошланди. Шунингдек, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2023 йил 9 июль кунига белгиланган. Юқорида қайд этилган қоидага кўра, сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги инобатга олингани ҳолда 8-9 июль кунлари бу тадбирларни амалга ошириш мумкин эмас.

➡ 4

Нуқтаи назар

## СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИГА ҚАРАТИЛГАН

*Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар — хоҳ у ижтимоий-иқтисодий, хоҳ маданий-маънавий ёки суд-ҳуқуқ соҳасига қаратилган бўлсин, улардан кўзланган олий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш, лўнда қилиб айтганда, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилгандир.*

Ўтган қисқа даврда Ўзбекистонда барча соҳа қатори суд-ҳуқуқ йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Унда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кўрилган комплекс чора-тадбирлар том маънода суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгиланди. Ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

### Замон талабларига мос

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида давлат органлари қарорлари ва мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бериладиган шикоятларни, яъни оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишга ваколатли маъмурий судлар ташкил этилди.

Судлар тузилмаси ҳам замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда вилоят даражасидаги умумюрисдикция судларига асос солинди.

Инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида процессуал қонунчиликка иқтисодиёт соҳасида инвесторлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги инвестиция шартномаларидан келиб чиқадиган низолар ва рақобатга оид ишларнинг судловга тааллуқлилигига оид нормалар киритилиб, йирик инвесторларга алоқадор низолар ва рақобатга оид ишлар тарафларнинг хоҳишига кўра, Олий суднинг инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби томонидан кўрилиши мумкинлигига оид тартиб белгиланди.

➡ 2

Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

*Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси томонидан “Ҳиндистон — Марказий Осиё” жамғармаси раҳбарияти ва аъзолари билан мамлакатимизда бўлиб ўтадиган муддатидан илгари Президент сайловига бағишланган мулоқот ташкил этилди.*

Тадбирда Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижалари, жамият ҳаётининг барча жабҳасидаги янгиланиш жараёни, мамлакатимизнинг халқаро майдонда юксалиб бораётган мавқеи, Марказий Осиё минтақасида бирдамлик ва ҳамкорлик руҳини кучайтиришдаги алоҳида роли, Жанубий Осиё давлатлари, жумладан, Ҳиндистон билан мустаҳкамланаётган серқирра алоқалари ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон элчиси Дилшод Аҳатов мамлакатимизда 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида тасдиқланган янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берди. Конституциявий ислоҳот сўнгги йилларда ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлгани урғуланди. Янгиланган Асосий Қонун Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим ҳуқуқий асос яратганига эътибор қаратилди.

➡ 4

Депутатлар — ҳудудларда

## ОЧИҚ ВА САМИМИЙ СУҲБАТЛАР

### кўп йиллик муаммолар ечимида қўл келмоқда

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда. Айни жараёнда нафақат янги меъёрлар тушунтирилаётир, балки аҳоли турмуш даражаси ҳам ўрганилиб, одамлар билан самимий суҳбатлар бўлиб ўтяпти. Энг муҳими, фуқароларни ўйлантириб келаётган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Қуйи палата депутати Муқаддас Ўразалиеванинг Жиззах вилояти, Зомин тумани Ш. Рашидов номидаги МФЙ аҳолиси билан учрашувлари ҳам қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Дастлаб халқ вакили ушбу маҳаллада жойлашган “Тадбиркорлик ва саломатлик” маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

➡ 4

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◄1 Ўз навбатида, И. Живкович ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари хусусида фикр билдираркан, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон биз учун муҳим стратегик ҳамкор ҳисобланади ва айнан мамлакатингиз билан 30 йилдан буён биргаликда ишлаётганимиз бежиз эмас, — деди у. — Ўзбекистонда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш борасида эришилаётган натижалардан яхши хабардормиз, бу борадаги саъй-ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Истиқболдаги ҳамкорлик режаларига келадиган бўлсак, гендер тенгликни илгари суриш йўналишидаги миллий лойиҳаларни амалга оширишда амалий мулоқот янги суръатда давом эттирилади. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масаласида, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда бошқа давлатлар учун намуна қилиб кўрсатса бўладиган илғор тажрибалар мавжуд ва мамлакатингиз билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни янада кенгайтириш йўлида барча имкониятни ишга солишга тайёрмиз.

Учрашув якунлари бўйича томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва муҳокама чоғида эътибор қаратилган йўналишлар бўйича лойиҳаларни кенгайтиришга келишиб олди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ НИГОҲИДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар муҳокама қилинди.*

**Тадбир**



Мажлисда дастлаб "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ёшлар билан доимий мулоқот қилиш ҳамда уларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний салоҳиятини рўёбга чиқаришга, умуман, ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан, ёшларни қўллаб-қувватлашга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш мақсадида барча зарур шароитларни яратишга қаратилган яхлит тизим ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажак бунёдкори" медали таъсис этилди.

Шунингдек, келажагимиз эгалари билан ишлашнинг мутлақо янги тизими — "ёшлар дафтари" ва Ёшлар дастурлари ҳаётга татбиқ қилиняпти. Мазкур тизим асосида олиб борилган амалий ишлар натижасида "ёшлар дафтари"га кирган минглаб йигит-қизларнинг муаммолари ҳал этилмоқда, кам таъминлаган оилалар фарзандлари бўлган талабаларнинг шартнома пули тўлаб берилмоқда, ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Қайд этилганидек, янгиланган Бош қомусимизда ҳам оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланди.

Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида ўз аксини топди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқда.

Мажлисда ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш мақсадида Ёшлар парламенти аъзолари томонидан "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш юзасидан 200 дан ортиқ таклифлар билдирилди. Берилган ҳар бир таклиф ва тавсия атрофлича муҳокама қилиниб, уларнинг 80 га яқинини Қонунчилик палатасига киритишга келишиб олинди.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда кун тартибидан ўрин олган масалалар атрофлича кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Мулоҳаза**

# ҲАЛОЛЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

## коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали йўлидир



Ҳалолликнинг аҳамияти хусусида кўп гапиришга ҳожат йўқ, назаримизда. Негаки, алломаларимиз ўз асарларида бу фазилатни ҳазрати инсоннинг энг олий хислати сифатида шарҳлаган. Бинобарин, Қуръони карим оятларида ҳам ҳар бир амални ҳалол бажариш лозимлиги, бировнинг ҳаққини ейиш ҳаром эканлиги таъкидланади. Ҳадисларда бу фикр янада кенгроқ шарҳланади.

Таассуфки, глобаллашув жараёнлари тезлашиши, бунинг устига мамлакат иқтисодий муносабатларидаги номутаносибликлар коррупцион ҳолатлар юзага келишига туртки берди. Янги тизимда, мустақиллик бошланишида унга қарши курашиш механизмининг йўқлиги давлатни ҳам, аҳолини ҳам мураккаб вазиятга солиб қўйди ва бу оғриқларни барчамиз сеза бошладик.

Бундан беш-олти йил илгари тараққиётга тўсиқ бўладиган бундай иллатга қарши оқилона, режали ҳаракатлар бошлаб юборилди. Энг аввало, коррупцияга йўл очувчи омилларга қарши курашиш зарурлигига алоҳида урғу қаратилди. Бу борада жиддий чоралар кўрилди ҳам.

**Булар қуйидагилардан иборат:**

**биринчидан**, мамлакат пойтахтига рўйхатга олиш соддалаштирилди, Конституцияга зид тартиблар бекор бўлди;

**иккинчидан**, тадбиркорларни текширишга мораторий эълон қилинди;

**учинчидан**, олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги имтиёз ва шаффофлик аниқ белгилаб қўйилди;

**тўртинчидан**, давлат идоралари молиявий ҳисоботларининг очиқланиши, давлат харидларида очиқ тендерлар бўлиши таъминланди;

**бешинчидан**, давлат хизматлари кўрсатиш тизими шаклланди;

**олтинчидан**, тергов ва суд жараёнида "Хабеас корпус" институти жорий этилди, адвокатуранинг мақоми оширилди;

**еттинчидан**, коррупцияга қарши илмий, таҳлилий ва оқилона курашиш мақсадида махсус агентлик ташкил этилди;

**саккизинчидан**, ҳар бир давлат идорасида коррупцияга қарши курашиш бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ислоҳотлар жараёнидаги ушбу саъй-ҳаракатлар, қолаверса, жамоатчилик назорати кучайтирилиши, молиявий назоратда маҳаллий Кенгашлар имконияти кенгайтирилиши, иқтисодиётда халқаро рейтинглар талабларининг киритилиши ва рақамлаштиришга жиддий киришилиши одамлар нуқтаи назарида, умуман, жамиятда туб бурилиш ясади, десак, хато қилмаймиз. Ана шу нуқтаи назар бизга коррупцияга қарши курашда унинг механизмларини такомиллаштиришга имкон берди. Бундай ҳолатлар янги қонунлар ва уларга киритилган янги нормаларда ўз ифодасини топди.

Яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун бу борадаги механизмларни такомиллаштиришга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Унда давлат органлари ва бошқа ташкилотлардаги коррупцияга қарши кураш ёки кадрлар бўлинмалари бундан буён ўз жамоасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солади.

Уларга ташкилот ходими томонидан аниқланган ҳолатлар ахборотини умумлаштириш, қонун талабини бузган ходимга нисбатан хизмат текширувини ўтказиш каби ваколатлар ҳам бериляпти.

Бу бўлинмалар ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ҳолатларни кўриб чиқади, уларнинг натижаларига кўра одоб-ахлоқ комиссиясига таклифлар киритади.

Қонунда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат органи ходимлари манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлиги ва мансабдор шахсларнинг мазкур вазиятни тартибга солмаганлиги юзасидан маъмурий баённома тузиш юклатиляпти.

Сенат томонидан яна бир муҳим қонун маъқулланди. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан мувофиқликни баҳолаш қоидаларини техник регламентлар талабига мувофиқ бўлмаган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун маҳсулотни тақдим этган юридик ёки жисмоний шахсга зарар етказилишига сабаб бўладиган тарзда бузганлик учун жавобгарлик киритилмоқда.

Умуман, коррупцияга қарши курашда жамоатчилик томонидан билдириб келинаётган фикр ва таклифлар инобатга олинмоқда ва ҳаётга татбиқ этилаётир.

Ана шундай ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар асосида Самарқанд вилоятида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий комиссияси аъзолари агентлик мутахассислари ўтказган семинарларда иштирок этиб, коррупцион ҳолатлар таҳлилини ўтказиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан малакага эга бўлмоқда. Ҳудудий комиссияда вилоят ташкилотлари раҳбарлари ўз жамоасида коррупцияга қарши кўрилаётган чоралар тўғрисида ҳисобот беряпти. Эндиликда молия ва солиқ идоралари раҳбарларининг сессиялардаги чораклик, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари чинакамига, қизғин муҳокама бўлаётир.

Шу ўринда бир воқеани ёдга олмоқчимиз. Ўтган йили Малайзия Коррупцияга қарши курашиш комиссияси Бош комиссари Датук Сери Азам бин Баки бошчилигидаги делегация юртимизга ташрифи доирасида Самарқандга ҳам келди. Ҳудудий комиссиямиз аъзолари билан бўлган мулоқотда биз уларга коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегия асосида олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб бердик.

Жаноб Датук Сери манзилли стратегиямиз, у асосида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб чиққани ва бу йўл, хусусан, мурожаатлар билан ишлаш ва маҳалла фаолларига берилаётган имкониятлар унда қизиқиш уйғотганини айтди. Айни чоғда меҳмон бу борада ҳамма бир-биридан ўрганиши, чунки коррупция тезда ёки битта қарор билан барҳам топадиган иллат эмаслигини таъкидлади. У мазкур масалада тажриба алмашишга тайёр эканлигини билдирди.

Демоқчимизки, коррупцияга қарши кураш — бу бутун инсоният иши. Унга ҳар бир давлат ва халқ ўз имконияти, шароити ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Бу курашнинг энг биринчиси, ана шу иллатга қарши одамларда нафрат уйғотиш, ҳалоллик муҳитини яратишдан иборат. "Ҳалоллик вакцинаси" дейилганда, айнан шу мақсад назарда тутилган эди.

Бинобарин, ҳалоллик муҳити бир-иккита тадбир билангина эмас, балки ҳаёт жараёнида шаклланади. Чунки бу фазилат инсон билан у туғилганидан бошлаб то сўнгги нафасигача бирга бўлади. Асосий вазифа эса одамларда ўз вужудидаги нафсга қарши кураша олиш туйғусини пайдо қилишда.

Миллий стратегияда белгиланганидек, мамлакатда коррупцияга қарши курашиш қуйидаги тўртта асосий йўналишда олиб борилмоқда.

**биринчиси**, айни пайтда тараққиётимизга халал бераётган коррупцион ҳолатларга барҳам беришнинг қонуний ва ташкилий чораларини кўриш;

**иккинчиси**, коррупцион ҳолатлар учраши мумкин бўлган тизимларда рақамлаштиришни жорий этиш орқали инсон омилини камайтириш;

**учинчиси**, янгидан қабул қилинаётган қонунларда коррупция юзага келишига сабаб бўладиган омилларнинг олдини олишга эришиш;

**тўртинчиси**, аҳоли ўртасида ноқонуний даромадларга қарши нафрат уйғотиш мақсадида тарғибот ишларини ташкил этиш, бу туйғуни бевосита оилада шакллантириш.

Кўриниб турибдики, коррупция ўта хатарли иллат бўлиб, бунга осонликча эришиш мушкул. Бу бутун жамиятимиз ва халқимиздан бирдамлик ва фаоллик талаб этади. Ана шунда биз ҳақиқий маънодаги ҳалоллик муҳитини яратамиз ва коррупцияни жиловлаймиз.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИГА ҚАРАТИЛГАН

◄1 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилиб, судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари, яъни судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## Янги институтлар тизим фаолиятини такомиллаштиради

Аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш мақсадида "Хабеас корпус" институти кенгайтирилиб, тергов устидан суд назорати янада кучайтирилди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш учун санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши бу борадаги дастлабки қадамлар бўлган бўлса, кейинги йилларда бу ислоҳотлар янада жадаллашди.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, мурдани эксгумация қилиш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш учун санкция бериш ҳуқуқи ҳам прокурорлардан судларга ўтказилди. Судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда бошқа муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини кучайтириш мақсадида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди.

Энг муҳими, суд ишларини юритишда янги институтлар жорий этилди, мавжудлари такомиллаштирилди. Жумладан, жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилиб, у суд жараёнининг барча босқичида қўлланадиган бўлди. Жиноят иши бўйича — дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда — судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари қўлланадиган бўлди.

Шунингдек, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Масалан, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Шахсга нисбатан қийноққа солиш ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмлар жорий қилиниб, бундай қилмишлар учун жавобгарлик кучайтирилди.



Далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, қонунга хилоф усуллар орқали олинган далиллардан, шу жумладан, номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг жиноят процессига ортиқча жалб қилинишини камайтириш, мураккаб ҳисобланмаган ишлар бўйича иш юритишни қисқартириш мақсадида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан билдирилган илтимосномага асосан жиноят ишини юритишни назорат қилувчи прокурор билан тузиладиган айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти киритилди.

## Адвокатларнинг ҳуқуқлари кенгайди

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва судлар гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаган тақдирда зудлик билан уларнинг оила аъзоларини ёхуд бошқа яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиши лозимлиги бўйича мажбурият юкланди.

Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш сингари тергов ҳаракатлари мажбурий тарзда видеоёзувга олиниши белгиланди.

Тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга, шахс амалда ушланган ёки гумонланувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши, ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги мустаҳкамланди.

Ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят бериш ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячиларнинг далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Адвокатлар ўзларининг ҳимояси остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши белгиланди.

## Инсонпарвар сиёсат ифодаси

Амалга оширилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги институционал ислоҳотлар доирасида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазо тизимидаги қамоқ тарзидаги жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурий жамоат ишлари тури киритилди.

Инсонийлик нуқтаи назаридан, вояга етмаган маҳкумларнинг яқинлари билан учрашиш ҳуқуқига нисбатан бўлган чекловлар бекор қилинди. Маҳкума аёлларнинг ўз фарзандлари билан учрашишининг алоҳида тартиби белгиланди ва маҳкумларнинг учрашувлари ҳамда телефон орқали мулоқотлари сони кўпайтирилди.

Айниқса, Қорақалпоғистон ИИВга қарашли 19-ихтисослаштирилган жазони ижро этиш ("Жаслиқ") колониясининг тугатилиши ҳам халқаро майдонда Ўзбекистон имижини кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, афв қилиш тизимининг йўлга қўйилгани ва изчил тарзда давом эттирилаётгани мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ мос эканига далилдир.

Ана шундай инсонпарвар сиёсат туфайли ўтган қисқа даврда мамлакатимизда маҳбуслар сони икки баробар камайишига эришилди. Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғига алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олиниши белгиланди. Ва мазкур енгиллик натижасида ҳозир жазо ўтаётган 6 минг нафар шахсга ўз маҳалласи назоратида, оиласи бағрида бўлиш имконияти яратилди.

## Йигирма минг нафардан зиёд фуқаролар «махсус рўйхатлар»дан чиқарилди

Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишдаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилиб, йигирма минг нафардан зиёд фуқаролар "махсус рўйхатлар"дан чиқарилди.

2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон илк бор БМТнинг асосий органларидан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланаётганининг халқаро эътирофидир. АҚШ Давлат департаменти ҳам Ўзбекистоннинг диний эркинлик бўйича "Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати" ("Special Watch List")дан чиқарилганини эълон қилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кўплаб янги нормалар ўз аксини топди. Яъни ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон жўнатмалари ҳамда бошқа хабарлари сир сақланиши каби ҳуқуққа эга эканлиги белгиланиб, бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгилаб қўйилди.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслиги, яъни шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шартлиги мустаҳкамланди.

Халқаро эътироф этилган "Хабеас корпус" институтининг қўлланиш кўлами янада кенгайтирилди. Илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги айбланувчи ва судланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, сукут сақлаш ҳуқуқи берилди. Бу орқали халқаро эътироф этилган "Миранда қоидаси" ҳам янги таҳрирдаги Конституциямизда ўз аксини топиб, фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг замонавий усулларини ўзида мужассам этган механизмлар жорий қилинди.

Шунингдек, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланиб, бу қоидаларнинг Конституцияда мустаҳкамланиши жиноий таъқиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки унинг яқин қариндошларига руҳий босим ва турли таҳдидлар ўтказиш, шаъни ва қадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим норма — агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланди. Бу эса жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонларнинг жавобгарликка тортилишининг олдини олишга, айни пайтда, жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.

Ушбу ислоҳотлар мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

**Шерзод ТЎХТАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БИРГАЛИКДА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ САРИ

## – ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВ ДАСТУРИНИНГ БОШ ҒОЯСИ

Шу йилнинг 30 апрелида умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани қатъий белгиланди ва айни тамойилга мувофиқ давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч бараварга ошди. Бу эса мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида устувор йўналишлардан бири саналган кучли ижтимоий сиёсат юритиш тенденциясининг том маънода юқори босқичга чиқишидан далолат беради.

Конституцияга киритилган барча муҳим ўзгартиш ҳамда янгиланишларнинг ҳаётимизда ўз тасдиғини топишида, сўзсиз, олдимизда турган сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳал қилувчи ўринга эга эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Бинобарин, сайлов шундай жараёнки, унда давлат ҳамда жамият тақдирига бевосита ва билвосита таъсир этувчи ғоя ва ташаббуслар сиёсий партиялар томонидан илгари сурилади. Сайловчилар эса бу ғоя ва ташаббуслар билан танишган ҳолда эмин-эркин ўз хоҳиш-иродасини сайлов жараёнида ўз овозлари билан намоён қилади. Албатта, бу галги сайлов янгиланган Конституцияга монанд янгича ҳуқуқий маконда, халқимизнинг ижтимоий фаоллиги ошган шароитда ўтиши алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ҳар бир сайловчи ўзининг овози билан эркин ва фаровон ҳаётга, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, жамиятнинг барча соҳасини қамраб олган янги ўзгаришларга ўз муносабатини билдиради. Бу ўринда Президент сайловида иштирок этаётган номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган чора-тадбирлар ҳамда вазифалар ҳар бир сайловчининг эътиборини тортиши турган гап.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам буни теран англаган ҳолда бўлажак сайлов учун электорат манфаатлари ва дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидан юқорига қараб йўналтирилган таклифлар асосида ҳар томонлама чуқур таҳлилдан ўтказилган, кенг қамровли дастурини ишлаб чиқди. Тўққизта йўналиш орқали юзга яқин ғоя ва ташаббусларни қамраб олган дастур сайловолди ташвиқоти бошланган шу кунларда сайловчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастури ҳақида партия фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзХДП Фахрийлар кенгаши раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор:**



— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод дастурининг биринчи йўналиши **“Кучли ижтимоий сиёсат — ижтимоий давлатчилик пойдевори, барқарор жамият ва фаровон турмуш асоси”** деб номланиши бежиз эмас. Сабаби, кейинги йилларда инсоният бошига оғир синовларни олиб келган пандемия, йилдан-йилга кескинлашаётган глобал иқлим ўзгариши жараёнлари ва халқаро майдонда сиёсий, иқтисодий вазиятнинг таранглашуви ҳар бир давлат олдига ижтимоий сиёсатни кучайтириш вазифасини кечиктирмасликни шарт қилиб қўймоқда.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг биринчи пойдевори ижтимоий давлатнинг барқарорлик ва фаровонлигини таъминлашдир. Мазкур сиёсий ҳаракатлар замирида жамиятнинг турли соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш, инсон манфаатлари билан боғлиқ ҳуқуқларни адолатли ҳамда демократия тамойилларига асосланган ҳолда ҳимоя қилиш ётади. Бундан ташқари, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш жараёнида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда мавжуд ресурсларга таянган ҳолда тиббиёт соҳасини ҳам ривожлантириш орқали фуқароларимизнинг янада фаровон яшашига замин яратилади.

Амалларимиз ниятимиз билан ҳамоҳанг бўлса, мақсадга эришиш осон бўлади. Шунинг учун бизнинг дастуримиз ҳам ўзбек давлатчилигининг ўқ илдизи ҳисобланган Конституцияга мосдир. Қолаверса, янгиланган Конституцияда белгиланган ижтимоий давлат тамойили Халқ демократик партиясининг асосий дастурий мақсадларига ҳамоҳанг.

Мазкур йўналишда ёшларнинг касб-ҳунар танлаши, таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлашиш кафолатини мустаҳкамлашни таклиф этяпмиз.

Чунки олий таълимни тугатган ёшларимиз мутахассислиги бўйича тегишли ташкилот ёки муассасага иш сўраб борса, унда тажриба ва малака йўқлиги рўкач қилиниб, ишга қабул қилмаслик ҳолатлари ҳам баъзан учраб турибди.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда меҳнат бозорига профессионал таълимдан **144 минг нафардан зиёд битирувчи-ёшлар кириб келган. Уларнинг 82,8 фоизи иш билан таъминланган.** Аслида, бу кўрсаткични бошқа хорижий мамлакатлар амалиёти билан солиштирганда ижобий деб баҳолаш мумкиндир. Бироқ бу борада бугунги давлат сиёсатининг давомийлигидан келиб чиққан ҳолда ёрқин келажагимиз бўлган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи асосий вазифаларимиз мезони бўлиши лозим. Шунинг учун доимий равишда таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали жамиятга малакали, билимли ва керакли бўлган мутахассис ёшларни меҳнат бозорига тайёрлаш чоралари номзоднинг Сайловолди дастурида асосий ўринни эгаллайди.

Шунингдек, дастурнинг ушбу йўналишида **эҳтиёжманд шахсларга ажратилаётган моддий-ижтимоий ёрдам манзилли ва мақсадли етиб бориши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш** лозимлиги келтирилади.

Юртимизда эҳтиёжманд инсонларнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида уларга қонуний имтиёзлар, имкониятлар яратиш билан бир қаторда, тегишли моддий ёрдамлар ҳам ажратилиши барчамизга маълум. Лекин қандайдир сабаб билан ажратилган моддий ёрдам ўз манзилига, яъни ҳақиқатда шу ёрдамга муҳтож фуқарога етиб бормаслиги билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бу эса охир-оқибат эҳтиёжманд фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳаракат қилаётган давлат маблағидан самарасиз фойдаланиш, демакдир. Агар айни йўналишда кучли жамоатчилик назоратини ўрната олсак, ана шундай нохуш ҳолатлар барҳам топади, кўзланган эзгу мақсадга тезроқ эришишга замин яратилади.

Давлатимизнинг янада тараққий этишига ҳар бир фуқаро сингари биз ҳам бефарқ эмасмиз. Демак, ҳар бир фуқаро қонун асосида берилган сайлов ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда жамиятимизнинг янада тараққий этиши ва ривожланиши йўлида ўз овозини муносиб номзодга беришлари мумкин.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Номзод дастурида уй-жой, сифатли коммунал хизматлар одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилашнинг муҳим омили сифатида қайд этилган.



Ҳар бир миллатнинг, халқнинг тарихан шаклланган қадриятлари бўлади. Худди шундай, ҳар бир шахснинг муқим бошпанаси бўлиши кераклиги анъанаси ҳам чуқур илдиз отган миллий қарашларимизга бориб тақалади. Ватан ичра ватани, яъни ўз уйи бўлишини халқимиз фаровон ҳаётнинг асосий шарти, деб билади.

Бунинг ҳуқуқий асоси сифатида янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 47-моддасида “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади” деб қайд этилган. Уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳамда уй-жой мулкдорлари ҳуқуқлари конституциявий ҳимоя қилинганлигини эътироф этишимиз лозим.

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари қаторида аҳоли учун қурилаётган тураржойлар салмоғи ортиб бораётган бўлса-да, бироқ фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган талаби ортиб бориши табиий ҳолдир. Республикамизда аҳоли сонининг ўсиб бориши ҳамда янги оилаларнинг ташкил топиши ҳам уй-жойга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5,5 миллион нафарга ўсган бўлиб, яқин вақтларда 40 миллионга етиши кутилаётир. Демографик кўрсаткичлар шиддат билан ўсаётган ҳозирги пайтда, айниқса, эҳтиёжманд қатламни тураржой билан таъминлаш масаласи йил сайин долзарб бўлиб бормоқда. Биз камбағаллар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бор фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёллар учун уй-жойлар қурилишини янада жадаллаштириш тарафдоримиз.

Номзоднинг илгари сурилаётган Сайловолди дастурида белгиланганидек, **“Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги** қонунни қабул қилиш келажакда мазкур соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилади.

Дастурда кам таъминланган аҳоли учун уй-жой қуришга имтиёзли ипотека кредити бериш амалиётини кенгайтириш масаласининг қонун даражасида тартибга солинишини ҳамда уни амалга татбиқ этиш чоралари ҳақидаги фикрларнинг мавжудлиги диққатга сазовор жиҳат, дейиш мумкин.

Бугун мамлакатимиз қурилиш бозорида тегишли ташкилотлардан рухсат олмай, маҳаллий аҳоли билан ҳисоблашмай, мавжуд талаб-меъёрларни менсимай ноқонуний объектлар барпо этиш ҳолатлари кузатилаётгани ҳам сир эмас.

Албатта, бу борада давлат органлари ва ташкилотлар тегишли назорат тадбирларини олиб бормоқда, бироқ ушбу масалада керакли натижага эришиш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳаётий зарурatдир.

**“Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги** қонунни қабул қилиш таклифи, айниқса, бугун долзарб бўлиб, фуқаролар томонидан улуш қўшган ҳолда кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини қуриш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга, жумладан, тураржойларни қуришга жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратишга хизмат қилади.

Бу борада номзоднинг Сайловолди дастурида ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш мақсадида соҳада жамоатчилик назоратини амалга оширишни янада кучайтириш вазифаси белгиланганлиги бугунги кунда долзарб бўлган масалага эътибор қаратилганлигини яққол кўрсатади.

Президент сайлови орқали халқимиз келажак тараққиёт мезонини белгилайди. Шу сабабли номзоднинг дастурий ғоя ҳамда мақсадларини амалга жорий этиши, дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун кенг сиёсий майдон яратиб бериш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан Улуғбек Иноятов номзодини қўллаб овоз беришга чорлаймиз!

**Қизилгул ҚОСИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**



— Халқ саломатлиги, миллат генофондининг мустаҳкамлиги ҳар бир давлат учун беназир бойликдир. Бу жуда долзарб масала бўлганлиги учун ҳам янгиланган Конституциямизда аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар бир неча баробарга оширилди.

Партиямизнинг Ўзбекистон Президентлигига номзоди дастурида тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш ташаббуси ўрин олган. Дунёдаги энг ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тиббий суғуртани жорий этиш соҳада турли коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш билан бир қаторда, касалликларни эрта аниқлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг бирламчи бўғинида малакали ва сифатли хизматларни ташкил қилиш, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини оширишга хизмат қилади.

Сўнгги вақтларда фармацевтика тизимида дуч келинган нохуш ҳолатлар фонида айтиш мумкинки, бу соҳада айнан давлат назоратини кучайтириш ҳамда янги дори воситаларини синовдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талаблари асосида такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Шунингдек, дори-дармонлар ва тиббий воситалар нарх-навосини давлат томонидан тартибга солишнинг қонун даражасидаги механизмларини яратиш борасида Сайловолди дастурида илгари сурилган таклиф фармацевтика бозорида барқарорликни ва ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, пандемия вақтида ушбу соҳада фаолият юритувчи айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи учун муҳим бўлган дори-дармонларнинг нархларини асоссиз ошириш ҳолатлари учрагани ҳеч кимга сир эмас. Юқоридагилардан келиб чиқиб, номзод дастурида таклиф этилаётган **“Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”**ги қонунни қабул қилиш ҳар қачонгидан муҳимдир.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистонда тиббиёт инфратузилмасини янада модернизация қилиш, катта шаҳарлар ва қишлоқ аҳолисини қамраб оладиган тиббиёт марказларини ташкил этиш, бу борада малакали кадрларни тайёрлаш ва халқимизга тиббиёт хизматларини таклиф қилиш каби масалалар номзоднинг Сайловолди дастурида асосий ўринни эгаллайди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг ечими ўлароқ тиббий хизматларни рақамлаштириш, шифокорлар томонидан дориларни тайинлашда электрон рецепт тизимига ўтиш ва соҳада қатъий давлат назоратини ўрнатишга доир вазифалар дастурда белгиланганлиги, номзоднинг тиббиёт тизимини рақамлаштириш билан боғлиқ таклифларнинг долзарблигини кўрсатади.

Шу сабабли жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён — Президент сайловида ҳурматли фуқароларимиздан, сайловчиларимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовни қўллаб-қувватлаб овоз беришга чақирамиз!

**Аброр ҚУРБОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:**

— Барқарор ривожланишда бўлган ҳар бир давлатнинг қудрати — фуқароларининг юқори интеллектуал салоҳиятига қараб белгиланади. Хўш, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган қудратли давлатга қандай йўллар билан эришилади? Албатта, чуқур билим, таълим бериш орқали эришиш мумкин. Буни жаҳон тамаддунига асос солган цивилизациялар мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан илгари сурилаётган номзод Сайловолди дастурининг “Ёшлар таълими миллат келажаги ва юртимиз рақобатбардошлигининг гарови” деб номланган йўналишида ёшлар учун таълим кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича қатор таклифлар ва амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар акс эттирилган.

Юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилишини инобатга оладиган бўлсак, таълим соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш ва шу йўл орқали билимли ёшларни жамиятимизга етказиб бериш ҳар биримизнинг зиммамиздаги мажбурият эканлигини унутмаслигимиз шарт.



Дастурда таълимда аҳолининг барча қатламларига тенг имкониятлар яратиш учун аниқ чораларни кўриш зарурлиги белгиланган. Хусусан, боғча ёшидаги болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамровини кенгайтириш, бунинг учун давлат янги боғчаларни қуриши, мавжудларини таъмирлаши, давлат ва давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактабгача таълим муассасаларини кўпайтириш таклиф этилмоқда.

Соҳага хусусий секторнинг жалб қилиниши қувонарли ҳолат, лекин шу билан бирга, давлат боғчалари сони ҳам ошиб бориши керак. Ахир хусусий боғчага пул тўлаш қобилияти бўлмаган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Шунингдек, **мактаб ўқувчилари учун жамоат транспортидан фойдаланиш учун табақалашган тарифларни жорий қилиш,** яъни улар катталарга нисбатан арзонроқ йўлкира тўлаши ижтимоий адолатдан бўлади. Ёшларимизни кутубхоналардан фойдаланиш имкониятини ошириш, уларни барча учун фойдаланиш эркин бўлган ахборот-маданий марказларга айлантириш маърифатли жамият қуришдек эзгу мақсад рўёбига хизмат қилади.

Умуман, номзод Сайловолди дастури орқали “таълим — инсоннинг устувор ҳуқуқи”ни қўллаб-қувватлаш позициясида муқим турганлигидан далолат беради. Мазкур масалада ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига амал қилиниши муҳим аҳамиятга молик масаладир.

**Акмал УМАРАЛИЕВ,**
**ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши раиси:**



— Маълумки, Президентлик сайловлари доимо демократик давлатлар тараққиёти ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида муҳим ва марказий ўринни эгаллаб келган. Ҳар қандай демократик жамият ўзагини эркин ва адолатли сайловлар ташкил этади. Айнан мазкур танлов орқали фуқаролар бевосита ёки ўзлари сайлаган вакиллари тимсолида давлат ва жамият ҳаётини бошқариш имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурида фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳам четда қолмаган. Унда **фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги бевосита иштирокини кенгайтириш, давлат функцияларини босқичма-босқич нодавлат институтларга топшириш** каби ташаббусларни эътироф этиш жоиз.

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини амалга оширар экан, биринчи навбатда, ушбу фаолият билан шуғулланиш жараёнида унинг ҳуқуқлари, манфаатлари, жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий база етарлими, деган савол туғилиши табиий. Бу борада Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин фаолият олиб боришлари қонуний кафолатланган бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 72-моддасида ҳамда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан атрофлича кафолатланди.

Бугунги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб боради. Шу ўринда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари амалга ошираётган турли лойиҳалар, ижтимоий адолат йўлидаги дадил таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг чин маънода фаол иштирокчисига айлантиришимиз жуда муҳим. Бу жамиятда турли қатламлар ўртасида манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга, ижтимоий тенгликни қарор топтиришга яқиндан кўмаклашади.

Номзод дастурида ҳам фуқаролик жамияти институтларини маҳаллий миқёсда қўллаб-қувватлаш, туманлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Айтиш жоизки, бугун ҳаётимизни замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қила олмаймиз. Рақамли технологиялар, сўнгги паллада сунъий интеллектнинг барча жабҳага шиддат билан кириб бораётгани, инсоният тафаккури кун сайин илдамлаётгани бу соҳага жиддий ёндашувни талаб қилмоқда. Замонавий дунёни тушунишда, энг илғор ITдан фойдаланишда ёшлар, албатта, катталарга қараганда пешқадам.

Шу жиҳатдан олганда, ёшларнинг мамлакат ҳаётидаги фаоллигини таъминлаш борасидаги ташаббуслар устуворлик касб этади.

Давлат бошқарувида, давлат хизматларини кўрсатишда, давлат хизматчиларининг салоҳияти ва маҳсулдорлигини баҳолаш кабиларга ахборот-коммуникация технологиялари кириб келди. Бу йўналишларда, юқорида таъкидлаганимиздек, ёшлар анча илғор. Шунинг учун давлат ва ҳукумат бошқарувига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш асносида ёшларнинг куч ва салоҳиятидан фойдаланиш мамлакат равнақи учун ижобий самара беради.

Хулоса шуки, мамлакат етакчилигига номзод дастури партиямиз бирлашмалари, фаоллари ва электорати томонидан билдирилган минглаб таклифлар орасидан давлатчилик ривожи ва жамият фаровонлиги учун энг долзарб деб топилганлари асосида шакллантирилган.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГ!**

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ – САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

1 Қонунчиликда белгиланган ушбу талабларга тўла амал қилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, қолаверса, ушбу номзодларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди. Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан сайловолди ташвиқоти жорий йил 7 июндан эътиборан бошланиши эълон қилинди.



Шу ўринда муҳим бир масалага эътибор қаратиш зарур. Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, ахборот хизматларидан ташқари бошқа ҳар қандай хизматлар кўрсатиш, шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш ёки бўлмаса нотўғри ахборотни, шу жумладан, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади;

сайловолди ташвиқоти давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилмаслиги, аҳолининг соғлиғи ҳамда ижтимоий ахлоққа таҳдид солмаслиги, урушни, миллий нафратни, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилмаслиги, конституциявий тузумни зўрлик ишлатиб ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини чекловчи ҳаракатларга даъват қилмаслиги керак.

Қонунчиликда бир қатор мансабдор шахслар ва айрим касб эгаларининг сайловолди ташвиқотини олиб боришларига тақиқ белгиланган. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг, сайлов комиссиялари аъзоларининг, диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг ташвиқот олиб боришлари тақиқланган.

Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланган.

Қонунга мувофиқ, сайловолди ташвиқоти сиёсий партиянинг дастури ёки сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни партия томонидан кўрсатилган номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури, сайловолди платформаси ёки номзоднинг шахси ва фаолиятига оид ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш йўли билан амалга ошириш тарзида олиб борилади. Шунингдек, омма олдида, фуқароларнинг йиғилишларида очиқ баҳс-мунозаралар, чиқишлар қилиш, матбуот конференциялари ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида интервьюлар уюштириш, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайлов кодексининг 45-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти — оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали; босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини, хусусан, плакатлар, варақалар каби бошқа материалларни чиқариш ҳамда тарқатиш ёхуд сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ҳамда сайлов қонунчилигида тақиқланмаган бошқа шакл ва усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг бир қатор муҳим талаблари ҳам борки, манфаатдор тарафлар ушбу жараёнда қонун билан ўрнатилган талабларни яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, ташвиқот олиб борилаётганда сиёсий партиялар ҳамда номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Бунда сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партияларнинг фикрини инобатга олган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Юқоридагилар билан бирга, давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам қўшимча эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши, нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонунчиликка мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши лозим.

Ушбу қонун талабига асосан, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори қабул қилинди ҳамда қарорга мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий ва маҳаллий телерадиоканалларида бепул ажратиладиган эфир вақти ва ҳажми;
- “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Овози тожик”, “Нурлы жол” каби олтита марказий ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг йигирма тўртта маҳаллий газетасида бепул ажратиладиган нашр майдони тасдиқланди;
- Сайлов кодексининг талабларини инобатга олган ҳолда сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари кетма-кетлигининг тартиби белгиланди.

Шунингдек, ушбу қарорда оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти даврида — бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдони доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишлари, янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тадбирларини ёритишда тенглик принципига риоя қилишлари, бепул ажратилган эфир вақти ва нашр майдони доирасида эфирга узатилаётган ҳамда чоп этилаётган сайловолди ташвиқоти материалларини эфирга узатиш ёки чоп қилишда улар сайловолди ташвиқоти материаллари эканлигини қайд этиб боришлари лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Сайлов кодексининг 47-моддасига асосан, номзодлар ва сиёсий партияларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шаклларини ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратилади. Ягона талаб, ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида ташвиқот материалларига буюртма берган ёки ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи ёхуд жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, жойлашган манзили ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар, шунингдек, ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши лозим.

Сайлов кодексининг 48-моддасига биноан, номзодларга ва сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали ташвиқот учун тенг шароитлар яратилади. Сайловчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади.

Сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ҳақида тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари ушбу тадбирларни ўтказишдан камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилади. Бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда сиёсий партияларга, номзодларга ёки уларнинг ишончли вакилларига ёрдам кўрсатиши шарт.

Номзод ёки унинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан уюштирилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

Хулоса ўрнида айтганда, юртимизда сайловнинг умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари талабига тўлиқ жавоб берадиган, мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, бу ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда, очиқ-ошкора ташкил этилиши ва ўтказилиши, сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити ва тенг шароитлар яратилишига хизмат қилади. Пировард натижада эса, бу Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни дунёдаги ривожланган, демократик ҳуқуқий давлатлар қаторига кўтаришда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**Марказий сайлов комиссиясининг котиби — Котибият раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси.**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

1 “Ҳиндистон — Марказий Осиё” жамғармаси президенти вазифасини бажарувчи, Ҳиндистоннинг Қозоғистон ва Финляндиядаги собиқ элчиси, Марказий Осиё бўйича таниқли мутахассис Ашок Шарма Ўзбекистон ҳаётида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёни халқаро ҳамжамиятда, жумладан, илмий-таҳлилий доираларда катта қизиқиш уйғотаётганини ва ушбу ислоҳотлар чуқур ўрганилаётганини қайд этди. Бунинг натижасида мамлакатнинг халқаро кўламдаги алоқалари сезиларли даражада фаоллашди, турли соҳалардаги ҳамкорлик жараёнида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-академик, маданий-гуманитар ришталар янги босқичга кўтарилгани ҳам бунинг ёрқин мисолидир. Эксперт бўлажак Президент сайлови мамлакат янги тарихида алоҳида аҳамиятга эга воқеа сифатида битилишига ишонч билдирди.

Жамғарма директори Рамаканд Двиведи Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилган конституциявий ислоҳот ва умумхалқ референдуми натижаларига ҳинд академик доиралари вакиллари мамлакат ҳаётидаги йирик воқеа сифатида муносабат билдираётганини қайд этди. 30 апрель куни ўзбек халқи Конституциянинг янги таҳририни маъқуллагани ҳақида фикр юритиб, энди Бош қомусда белгиланган ҳуқуқий нормалар ва юксак вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун давлат ҳокимиятининг янгиланган тизимида халқ яна бир бор ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши зарурлигини таъкидлади.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда июль ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарлик жараёни халқаро ҳамжамият диққат марказида турганини урғулаб, ўзбек халқи ушбу тарихий воқеани кўтаринки руҳ ва сиёсий фаоллик билан ўтказишига ишонч билдирди.

**«Дунё»АА.**
Деҳли

# ОЧИҚ ВА САМИМИЙ СУҲБАТЛАР

## кўп йиллик муаммолар ечимида қўл келмоқда

1 Ушбу марказда жорий йилнинг биринчи чораги давомида 20 дан зиёд хотин-қизлар тикиш сир-асрорларини ўрганиб, махсус сертификатга эга бўлгани эътиборга молик.

Ҳозирги кунда яна 18 нафар хотин-қиз ўз маҳоратини ошириш бўйича ўқиб-ўрганмоқда. Бу ерда тикувчилик йўлида изланаётган опа-сингилларимиз билан дилдан суҳбат бўлиб ўтди.

Халқ вакили сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашиш, муаммоларини ўрганиш, уларга ечим топиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳақида кенг маълумот берди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди Ш. Рашидов номидаги МФЙ ҳоким ёрдамчиси Алишер Усмонов. — Шу боис маҳалламиз ҳудудида жойлашган собиқ коллежнинг қўшимча биноларини таъмирлаш ҳисобига тадбиркорларга шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Бугунги кунда бу ерда 10 дан зиёд хотин-қизлар тикувчилик сирларини ўрганиб, уй шароитида аҳолига хизмат кўрсатиб келяпти. Келгусида яна чилангарлик, пайвандчилик касбларини ҳам ўргатиш режалаштирилган.

Депутат М. Ўразалиева шунингдек, Зомин туманида аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг мурожаатларини тинглади. Энг муҳими, фуқаролардан турли соҳаларга оид тушган кўплаб мурожаатларга шу ернинг ўзида ечим топилди.

### Янги кўприк фойдаланишга топширилди

“2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида Бойсун туманидаги 24 та маҳаллада қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.



Ҳозирги кунга қадар ушбу қарор асосида Сариосиё маҳалласи “Боғиобод” ва “Кўкдара” кўчаларини боғловчи умумий қиймати 1 млрд. 261 млн. сўм бўлган, узунлиги 13 метр, эни 5 метрга тенг янги кўприк тўлиқ қуриб битказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов сайловчилар билан учрашувлари давомида ушбу кўприкнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Мулоқотлар чоғида маълум бўлишича, узоқ йиллар мобайнида фуқаролар сой оралаб, гоҳ лой, гоҳ чанг кўчада юришига тўғри келган. Сўнгги йилларда мамлакатда олиб борилаётган туб ислоҳотлар туфайли ҳозир катта-катта муаммолар ҳам бир зумда ҳал этилаётганлиги таҳсинга лойиқ.

— Охирги олти йилда юртимизда мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Нафақат пойтахтимиз, балки чекка-чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бераётир. Масалан, Бойсун тумани марказидан олис ва тоғли ҳудудда жойлашган маҳалла ички кўчалари ҳам асфальтланди, янги кўприклар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса аҳолининг кайфиятини кўтариш баробарида, уларда шукроналик ҳиссини мустаҳкамламоқда, — дейди депутат Ҳ. Хўжамқулов.

Қонунчилик палатаси депутати учрашувлар доирасида Бойсун тумани ҳокимлигида фуқаролар билан мулоқотда бўлди. Эътиборлиси, ҳар бир фуқаронинг мурожаати жиддий ўрганилиб, уларга тегишли идоралар масъуллари билан биргаликда ечим изланди.

### Аҳоли янгиланишлардан мамнун

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дурбек Аҳмедовнинг Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги сайловчилар билан учрашувлари қизғин ва самимий руҳда кечди.

Хусусан, тумандаги “Боғобод” МФЙда бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида, аввало, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, айниқса, янги таҳрирдаги Конституциямиздан ўрин олган нормалар хусусида сўз юритилди.

Очиқ мулоқот чоғида фуқаролардан турли соҳаларга оид кўплаб мурожаатлар келиб тушди. Ҳар бир мурожаат назоратга олиниб, мутасаддиларга уларни ижобий ҳал этиш бўйича тавсиялар берилди. Айрим масалалар тегишли идоралар вакиллари иштирокида шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Д. Аҳмедов сайловчилар билан учрашувлари давомида ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари билан бирга, куз-қиш мавсумига энергетика тармоқларини тайёрлаш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ишлари, шунингдек, ушбу ҳудудда янги ташкил этилган локаль маҳаллий қозонхонани кўздан кечирди.

Шунингдек, ушбу ҳудудда жойлашган ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, 411-сонли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 228-умумтаълим мактабида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда таълим соҳасини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, ушбу соҳада бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида сўз юритилди.

Ўз навбатида, ўқитувчилар юртимизда таълим тизимини ислоҳ этиш жараёнида ўқитувчи касби нуфузини ошириш, жамиятдаги мақомини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этдилар.

### Тиббиётдаги ўзгаришлар самаралари

Ҳудудларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, фуқароларнинг дарду ташвишларини тинглаш, муаммоларини ҳал этиш ҳаётий аҳамият касб этади.

Парламент қуйи палатаси депутати Дилбар Усмонова ҳам буни фаолиятнинг асосий мезони деб билади.

У сайловчилар билан учрашувларини Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги “Бунёдкор” МФЙдан бошлади. Ушбу маҳалла аҳолиси билан бўлиб ўтган учрашувда юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, жумладан, тиббиёт соҳасидаги ўзгаришларга алоҳида тўхталди.

— Инсон саломатлиги — энг буюк неъмат, — дейди депутат Д. Усмонова. — Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтган қисқа даврда соҳа катта ўзгаришларга юз тутди, кескин юксалишлар рўй берди.

Очиқ ва самимий мулоқот давомида сўз олган фуқаролар охирги олти йилда мамлакатда бўлаётган янгиланишларни, айниқса, кўп йиллар давомида ҳал қилинмай келган масалалар қисқа фурсатда ечим топаётганлигини алоҳида эътироф этдилар.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**

Сенатор ва ҳаёт

# БЎЗАТОВ ВА ЭЛЛИКҚАЛЪАДА ЎЗГАРИШЛАР СУРЪАТИ ҚАНДАЙ?

*Аввал хабар берилганидек, айни кунларда сенаторлар ҳудудларда бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳамияти, Олий Мажлис Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлисида кўрилган қонунлар мазмун-моҳиятини фуқароларга етказиш, йўл-муҳандислик коммуникацияси, ижтимоий соҳа объектларида олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишларининг бориши ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларни ўрганмоқда.*

Хусусан, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов ва унинг ўринбосари Б. Матмуратов Бўзатов ҳамда Элликқалъа туманларида ўрганиш олиб борди.

Бўзатов тумани ҳокимлигида фаоллар, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, сўнгги йилларда юртимизда, жумладан, Қорақалпоғистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар хусусида батафсил ахборот бериб ўтилди.

Учрашувда Сенатнинг қирқ биринчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди. Шу жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳақида кенг маълумот берилди. Айни чоғда, унинг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасининг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, тадбиркорликни ривожлантиришга, янги соҳа ва тармоқларни ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга, нодавлат таълим ташкилотларида таълим сифатини юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Бундан ташқари сенаторлар қурилиш ишлари давом этаётган бир қатор объектларда ҳам бўлди. Масалан, умумий қиймати 124 млрд. сўм бўлган 100 ўринга мўлжалланган санаторий ҳамда қиймати 2 млрд. 813 млн. сўм бўлган 60 ўринли мактабгача таълим ташкилотининг қурилиш жараёнларини кўздан кечиришди.

Шунингдек, сенаторлар Элликқалъадаги Тошкент ва Ифтихор маҳаллаларида бўлиб, фаоллар билан учрашувлар ўтказди.

**«Халқ сўзи».**

# ЙЎЛЎТКАЗГИЧ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида сенатор Қутбиддин Бурҳонов “Тошкент шаҳар “Туркистон” ширкат хўжалиги — Қозоғистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 3-километридаги темир йўл остидан туннель қурилиши кечикаётгани аҳолига ноқулайликлар келтириб чиқараётганини келтириб ўтганди.*

## Хушхабар

Сенатор ўз чиқишида Автомобиль йўллари қўмитаси буюртмачи бўлган ва қиймати 60 млрд. сўмни ташкил этадиган мазкур лойиҳа 2022 йил охиригача ишга туширилиши лозимлигини, бироқ 2021 ва 2022 йилларда ушбу лойиҳа учун борйўғи 19 млрд. сўм маблағ ажратилганига ҳам эътибор қаратганди. Негаки, чала қолиб кетаётган бу қурилиш аҳолига енгиллик яратиш ўрнига, фақат ташвиш ва қийинчилик туғдиргани ҳам бор гап.

Ўз навбатида, Зангиота туманидаги жамоатчилик вакилларининг Сенатга қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, мазкур масала ялпи мажлисда муҳокама этилганидан сўнг ушбу ҳолат Автомобиль йўллари қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги назоратига олинди ҳамда масала қисқа муддатда ўз ечимини топди.

Куни кеча 14 та маҳалланинг қарийб 50 минг фуқаролари қатновчи 3 километрлик мазкур йўлўтказгич очилди.

Айтиш жоизки, у ишга туширилиши ҳисобига поезд ва автомобиллар йўллари кесишуви сабаб ҳосил бўладиган тирбандликларга барҳам берилди. Вилоят ҳокимлигининг маълумотига кўра, мазкур иншоот қурилишига 113 млрд. сўм сарфланган.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси жамоаси “Фахрий аёллар билан ишлаш” гуруҳи раҳбари ўринбосари, Республика “Бувижонлар мактаби” раиси

**Муборак ЮНУСХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6